

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**АДИЗОВ ШАҲОБИДДИН МУҲАММАДОВИЧ**

***VINCA ERECTA* ИНДОЛ АЛКАЛОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ҲОСИЛАЛАРИНИ КРИСТАЛЛ ТУЗИЛИШИ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Адизов Шахобиддин Мухаммадович**

*Vinca erecta* индол алкалоидлари ва уларнинг ҳосилаларини кристалл тузилиши.....3

**Адизов Шахобиддин Мухаммадович**

Кристаллическая структура индольных алкалоидов *Vinca erecta* и их производных..... 21

**Adizov Shakhobiddin Muhammadovich**

The crystal structure of indole alkaloids from *Vinca erecta* and their derivatives  
.....39

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**АДИЗОВ ШАҲОБИДДИН МУҲАММАДОВИЧ**

***VINCA ERECTA* ИНДОЛ АЛКАЛОИДЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
ҲОСИЛАЛАРИНИ КРИСТАЛЛ ТУЗИЛИШИ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/К35 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўсимлик Моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.nuu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ташходжаев Баходирходжа**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кадирова Шахноза Абдухалиловна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Ашуров Жамшид Менгнорович**  
кимё фанлари доктори

**Етақчи ташкилот:**

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» Июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, (998 71) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№18 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871)246-07-88; 227-12-24, факс: (+998 71) 246-53-21, 246-02-24).

Диссертация автореферати 2020 йил «05» Июнь куни тарқатилди.  
(2020 йил «05» Июн даги 1- рақамли реестр баённомаси).



**Х.Т. Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.А. Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д.

**М.Г. Мухамедиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., профессор

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда молекуланинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар яъни функционал гуруҳларнинг фазовий жойлашишини, электрон силжиш, ички- ва молекулалараро таъсирлар характерларини билиш ҳар қандай моддани хоссаларини олдиндан айтиш, модданинг янги ҳосилаларини синтез қилиш усуларини излаб топишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун моддаларни кристаллда шаклланишини кўришга имкон берувчи рентген структуравий анализ (РСА) усули билан уларнинг тузилишини ўрганиш, конформацион таҳлил қилиш, бир ҳосиладан иккинчисига ўтганда молекула геометрияси ўзгаришини таҳлил қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бутун дунёга хавф солиб турган вирусларнинг монокристаллари олиниб, монокристалларининг дифракция маълумотлари, замонавий рентген дифрактометрларда РСА усулида аниқланаётгани, фармакология ва тиббиёт соҳасида хизмат қилаётган олимларга ушбу вирусларга қарши препаратлар тайёрлашда ёрдам бермоқда. Жаҳон ҳамжамияти Рентген кристаллография фанини XX асрнинг энг буюк инновацион ютуқларидан бири сифатида эътироф этиб, рентген кристаллография “сирли тилсимларни очиб берган фан” деб таъриф берган (x-ray crystallography the science that revealed the unrevealable). РСА усулида аниқланган молекулалар (CSD даги CIF-файли) замонавий молекуляр докинг ҳисоблашларда кенг қўлланилади.

Ўзбекистон шароитида ўсадиган *Vinca* туркумига кирувчи *Vinca erecta* (*Аросунасеае* оиласи) ўсимлиги индол алкалоидларга бой бўлиб, улар тиббиётда безгак, саратон ва юрак аритмияга қарши кенг қўлланилади. Республикамизни маҳаллий хомашёлар асосида тайёрланган дори воситалари билан таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош табиий ҳамда уларнинг синтез маҳсулотлари асосида препаратлар яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup> «Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жихатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзгартиришга» қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада республикамизда индол алкалоидлари тиббиётда ва фармацевтика саноатларида кенг қўлланилганлиги сабабли, уларни тузилиши ҳақидаги маълумотларни батафсил аниқлашнинг замонавий, ишончли, экспресс усулларида ўрганиш ва базасини шакллантириш муҳим аҳамият эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Республикамизда 2019-2021 йилларда фармацевтика соҳасини жадал ривожлантиришнинг кейинги чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5707-сон фармон, 2020 йил 2-мартдаги «Илм,

маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили» ПФ-5953-сон Фармонига оид ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпгина хорижий илмий марказларда индол алкалоидлари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. *Vinca erecta* ўсимлиги индол алкалоидлари бўйича асосан П.Х. Юлдашев, В.М. Маликов ва шогирдлари тадқиқотлар олиб борган. Ушбу алкалоидларнинг фармакологик хусусиятлари проф. А.Г. Курмуков томонидан ўрганилиб, амалиётга тавсия этилган. Асосий индол алкалоидларини ўсимликдан ажратиш технологиясини ва тиббиётда тадбиқ қилишни акад. Арипов Х.Н. ва унинг шогирдлари томонидан амалга оширилган.

Кембридж кристаллографик базаси (2018 йил ноябрдаги v.1.20 версияси) маълумотларига кўра *V. erecta* ўсимлигида учрайдиган индол алкалоидларининг атиги 14 таси РСА усули билан аниқланган бўлиб, ўсимлик таркибидаги индол алкалоидларининг кристалл тузилиши кам ўрганилганлигидан далолат беради. Алкалоидларнинг сувда эрувчан моно-, бинар тузларининг кристалл тузилиши систематик умуман ўрганилган эмас. Шунинг учун Ўзбекистон иқлим шароитида ўсадиган *V. erecta* ўсимлиги таркибидаги асосий индол алкалоидларни рентген дифракцион усулларда кристалл тузилишини тадқиқ қилиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т185 “Табиий бирикмалар стереокимёси, метаболизми, молекуляр дизайни ва биологик нишонлар билан ўзаро таъсир механизми” (2012-2016 йй.), КА-5-006 “Органик моддалар физик-кимёвий хоссалари бўйича дата-центр информацион системани яратиш” (2015-2017 йй.) ва ВА-ФА-Ф-6-010 “Табиий бирикмаларда гетероатомлар: молекулалараро таъсирлашув, рецепторли фарқлашув, фармакофорлар” (2017-2020 йй.) фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** *Vinca erecta* асосий индол алкалоидлари ва ҳосилалари синтези, уларнинг монокристалларини олиш, физик-кимёвий хоссаларини, кристалл тузилишини ва стереокимёвий параметрларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

*V. erecta* ўсимлиги асосий индол алкалоидлари ва уларнинг ҳосилаларини монокристалларини олишда физик-кимёвий таъсирларни аниқлаш;

индол алкалоидларнинг ҳосилаларини олиш ва кристалл структура ҳақидаги дифракция маълумотларини йиғиш;

дифракция маълумотлари асосида кристалл структураларни WinGX, Olex, XP, SHELXS, SHELXL программаларида аниқлаш;

кристаллардаги молекулаларнинг конформацион ҳамда таутомер ҳолатларини ва ички-, молекулалараро таъсирлар табиатини Mercury, ORTEP, PLATON, программалари ёрдамида таҳлил қилиш;

Кристалларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *V. erecta* ўсимлиги асосий индол алкалоидлари ва уларнинг асос, солват ва туз комплекслари танланди.

**Тадқиқотнинг предмети** *Vinca erecta* ўсимлиги индол алкалоидларини, уларнинг кристалл тузилишини ва физик-кимёвий хоссасини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари** этиб экстракция усули, юпка қатламли хроматография (ЮКХ), рентген структуравий дифракцион усул, Кембридж структуралар маълумотлари базаси (CSD), моддалар структурасини WinGX, Olex, Mercury, ORTEP, PLATON, XP, SHELXS, SHELXL программаларида аниқлаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор рентген структуравий анализ таҳлили натижасида 31 та модданинг кристалл сингониялари: триклин, моноклин, тригонал, орторомбик, гексоганал бўлиши аниқланган;

кристалл структуралардаги молекулаларнинг геометрияси, конформацияси ҳамда ички ва молекулалараро таъсир характерлари асосланган;

индолин қатори алкалоидларидаги N1 ва N4 атомларининг тетраэдрик гибридланган ҳолати кўш тузлар ҳосил бўлиши, ушбу қатор алкалоидларининг турли алкил галогенидлар билан реакцияга киришиши ва  $\alpha$ -метилениндолин, индол, индоленин, 2-оксиндолин қатори алкалоидларидан фарқ қилиши аниқланган;

кристалл тузилиши ўрганилган 12-гидрокси-, 12-метоксинорфлуорокурарин N4-метилат асослари цвиттер ион шаклда бўлиши ва 12-гидроксинофлуорокурарин N4-метилат асоси димер молекулаларнинг олтинчи тартибли айланма симметрия ўқи  $b_5$  бўйлаб таҳлили натижасида кристаллда ячейканинг  $c$  ўқи бўйлаб ҳажми  $1277 \text{ \AA}^3$  бўлган канал типидagi бўшлиқ ҳосил қилиши асосланган;

( $\pm$ )-винкадифформин асоси ва (-)-винкадифформин йод метилат молекуляр тузилиши азот атоми инверцияси ҳисобига фарқ қилиши аниқланган;

оксоиндолин ядросини уч ҳалқага нисбатан йўналишини характерловчи (C8-C7-C6-C5 атомлар) торсион бурчаги майдинда, изомайдинда ва винеринда C/D/E мос равишда транс- ва цис ҳолатда бирикканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

индол алкалоидларни экстракция йўли билан ажратиб олишнинг оптимал шароитлари ишлаб чиқилган;

рентген дифракцияон усулга мос бўлган монокристалл танлаш ва олиш шароитлари аниқланган;

31 та алкалоиднинг кристалл тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

кристалл структуралардаги молекулаларнинг геометрияси, конформацион таҳлили, ички- ва молекулалараро таъсири характерлари таҳлил қилинган;

алкалоидларнинг фармакологик ва токсикологик тадқиқотлар учун қулай бўлган сувда эрувчан формаларини олиш усули ишлаб чиқилган;

кристалл тузилиши янги бўлган индол алкалоидларнинг молекуляр ва кристалл тузилиши ҳақидаги маълумотлардан дунё олимлари ва мутахассислари фойдаланишига имконият берувчи CCDC (<https://www.ccdc.cam.ac.uk/solutions/csd-system/components/csd>) базага депозит қилинган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган моддаларнинг тузилиши кимёвий моддаларнинг структурасини аниқлашнинг абсолют усули ҳисобланган PCA ёрдамида аниқланганлиги ва олинган натижаларни нуфузли халқаро журналларда мақола бўлиб чоп этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, индол алкалоидлари ва уларнинг ҳосилаларини монокристалларини олиш, ички- ва молекулалараро таъсирлар аниқлаш, конформацияларининг ўзига хос хусусиятларини замонавий рентген дифракцион усулда аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти 31 та модданинг кристалл тузилишига оид маълумотларни CSDга депозит қилингани (CIF-файли), дунёда олимлар ва мутахассислар учун моддаларнинг физик-кимёвий характеристикаларини топишда муҳим бўлиб, тадқиқот натижалари физик кимё, биоорганик кимё, фармацевтик кимё ва органик кристаллкимёнинг муаммоларини ечишда дастлабки назарий манбалар сифатида ҳамда замонавий молекуляр докинг ҳисоблашларда ҳам CIF-файли муҳим ҳисобланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Vinca erecta* ўсимлиги таркибидаги индол алкалоидлар ва уларнинг ҳосилаларини кристалл тузилиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

31 та индол алкалоидларнинг рентген тузилиш таҳлили натижалари Кембридж марказий кристаллографик маълумотлар базасига киритилган (The Cambridge Structural Database, <https://www.ccdc.cam>, CCDC номерлари 1960952, 1897936, 1897669, 1897666, 1897662, 1897661, 1575996, 1575989, 1575984, 1575983, 1575400, 1501274, 1501273, 1501272, 1501271, 1454633, 1453209, 1447824, 1438788, 1438781, 1438706, 1438703, 1041541, 1038564, 978766, 978764, 978760, 978579, 978578, 978577, 978576, 978575, 928723, 928724, 961853, 928725, 1454636 ва 1454645). Натижада индол

алкалоидларининг физик-кимёвий ва геометрик параметрларини аниқлаш имконини берган;

индолин,  $\alpha$ -метилениндолин ва оксиндол алклоидларнинг кристалл тузилишидан олинган маълумотларидан ФА-Ф7-Т185 рақамли “Табиий бирикмалар стереокимёси, метаболизми, молекуляр дизайни ва биологик нишонлар билан ўзаро таъсир механизми” ва ВА-ФА-Ф-6-010 рақамли “Табиий бирикмаларда гетероатомлар: молекулалараро таъсирлашув, рецепторли фарқлашув, фармакофорлар” мазусидаги фундаментал лойиҳаларда индолин,  $\alpha$ -метилениндолин ва оксиндол алклоидларнинг кристалл тузилишларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 28 декабрдаги 4/1255-3376-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган усул структура-активлик бўйича препаратлар яратиш имконини берган;

РСА ёрдамида аниқланган кристаллографик маълумотларидан КА-5-006 рақамли “Органик моддалар физик-кимёвий хоссалари бўйича дата-центр информацион системани яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида янги бирикмаларнинг стереокимёси ва молекуляр тузилишини таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 28 декабрдаги 4/1255-3376-сон маълумотномаси). Натижада органик моддаларнинг дата-центр информацион системани яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та Республика ва 5 та халқаро конференцияда ва 1 та IUCr-2017 нинг 24-Конгрессида маъруза кўринишида баён этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*V. erecta* индол алкалоидлари тузилиши» деб номланган **биринчи бобида** мавзу бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётларда ўрганилган индол алкалоидларнинг кристалл тузилишига оид маълумотлар таҳлили келтирилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва

илмий таҳлилий хулосалар чиқарилган ва улар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «*Vinca erecta* индол алкалоидлари ва уларнинг ҳосилаларини кристалл тузилиши» деб номланган иккинчи бобида молекуланинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар яъни функционал гуруҳларнинг фазовий жойлашиши, электрон силжиш, ички- ва молекулалараро таъсирлар характерларини билиш, конформацион таҳлил қилиш, бир ҳосиладан иккинчисига ўтганда молекула геометрияси ўзгаришининг таҳлили натижалари келтирилган.



#### *Vinca erecta* индол алкалоидлари ва уларнинг ҳосилалари




Тадқиқ қилган моддалар Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида табиий шароитда ўсадиган *Vinca erecta* ўсимлиги ер устки ва илдиз қисмларида учрайдиган индол алкалоидлари ҳамда уларнинг ҳосилаларидир. Ушбу бирикмалар индол ҳалқасидаги беш аъзоли гетероҳалқа атрофида кўш боғнинг жойлашиш ўрнига қараб индолин (1-15),  $\alpha$ -метилениндолин (16-28) ҳамда индол ядросидаги гетероҳалқага карбонил (C=O) гуруҳининг боғланишига қараб 2-Оксиндолин (29-31) алкалоидларига бўлинади.

Кристалл тузилиши ўрганилган индол алкалоидларидан копсинин (1), копсинилам (6), псевдокопсинин (7), норфлуорокурарин (16), 12-гидроксинорфлуорокурарин (17), винкадифформин (25), 5-оксовинкадифформин (27), эрвинцинин (28), майдин (29), изомайдин (30), винерин (31) *V. erecta* ўсимлигидан ажратилган. Ўсимликдан ажратилган алкалоидларнинг кимёвий ҳосилалари 2-5, 8-10, 11-15, 18-24, 26 синтез қилинди ва уларнинг кристаллдаги тузилиши ўрганилди.

. Кристалл тузилиши ўрганилган барча моддаларнинг РСА маълумотлари ЎЗР ФА акад. С. Юнусов номидаги ЎМКИ Тадқиқотларнинг физикавий услублари лабораториясида аниқланди ва таҳлил қилинди.

#### 2.1-жадвал. РСА услуби билан ўрганилган моддалар кимёвий формуласи ва тривиал номланиши (синонимлари)

Индолин қатори	
 <p>Копсинин</p>	<p>(1) Копсинин моногидрат            (2) Копсинин монохлорид            (3) Копсинин дихлорид дигидрат            (4) Копсинин дибромид            (5) Копсинин динитрат            (6) Копсинилам            (11) N4-йодметилат копсинин            (12) N1-ацетил копсинин            (13) N1-ацетил-N4-йодметилат копсинин</p>
 <p>Псевдокопсинин</p>	<p>(7) Псевдокопсинин            (8) Псевдокопсинин монобромид моногидрат            (9) Псевдокопсинин монохлорид моногидрат            (10) Псевдокопсинин дихлорид            (14) N4-йодметилат псевдокопсинин            (15) N4-йодэтилат псевдокопсинин</p>


<b><math>\alpha</math>-Метилениндолин қатори</b>	
 <p>Норфлуорокурарин</p>	<p>(16) Норфлуорокурарин (винканин) этанол сольват  (17) 12-гидроксиноर्फлуорокурарин (винканидин)  (18) 12-гидрокси норфлуорокурарин гидрохлорид моногидрат  (19) 12-гидроксиноर्फлуорокурарин N4-хлорметилат  (20) 12-гидроксиноर्फлуорокурарин N4-йодметилат  (21) 12-гидроксиноर्फлуорокурарин N4-метилат • 2.5H<sub>2</sub>O  (22) 12-метоксиноर्फлуорокурарин (винканицин) хлорметилат  (23) 12-метоксиноर्फлуорокурарин йодметилат  (24) 12-метоксиноर्फлуорокурарин N4-метилат</p>
 <p>(-)-Винкадифформин</p>	<p>(25) (<math>\pm</math>)-Винкадифформин (Эрвамин)  (26) (-)-Винкадифформин йод метилат  (27) 5-Оксовинкадифформин (Эрвинидинин)  (28) 11-Метокси-5-оксо-винкадифформин (Эрвинцинин)</p>
<b>2-Оксиндолин қатори</b>	
 <p>(29) Майдин (гербавинин). (30) Изомайдин (гербавин) (31) Винерин</p>	

*Копсинин ва унинг тузлари, копсицилам алкалоидларининг кристалл тузилиши*

*Vinca erecta* ўсимлигининг ер устки қисмида кўп миқдорда копсинин (1) ва кам миқдорда копсицилам (6) алкалоидлари мавжуд.

Алкалоид 1 молекуласидаги NH-гурухи ва N4 атоми фаол реакция марказлар ҳисобланади. Алкалоид 1 молекуласидаги NH-гурухи орқали нитрат, хлорид ва бромид кислоталар билан сувда эрувчан бирикмалари 2-5 олинди ва уларнинг фазовий тузилиши ўрганилди.

Копсинин ва копсицилам, ҳамда копсинин тузлари 2-5 молекулаларининг кўриниши 1-расмда келтирилган (индол ядроси текислиги проекциясида). Структуралар 1 ва 2-5, 6 да индол ядроси ясси ( $\pm 0.027 \text{ \AA}$  аниқликда), B ҳалқа эса C2 $\beta$ -конверт шаклида. Ҳамма структураларда C ва D ҳалқалари бироз бузилган ванна, F гетероцикли эса кресло конформациясига эга эканлиги аниқланди. Бирикма 6 молекуласида E ҳалқа деярли ясси ( $\pm 0.052 \text{ \AA}$ ). Лекин бошқа 1, 2-4 индолинларда N4 атом  $sp^3$ -гибрид ҳолида бўлиб, E-ҳалқа 4 $\alpha$ -конверт конформацияга қабул қилади.



1-расм. Кристалл структураларнинг 1-6 фазовий тузилиши  
(кристалл асимметрик қисми, Н-боғи узук чизикчалар билан кўрсатилган)

Н атомларининг N1 азот атомидаги координацияси таҳлили **1**, **2** ва **6** да  $sp^3$ -гибридланганлигидан далолат беради (ички валент бурчаклар йиғиндиси ўртача  $336.6^\circ$ ). Структурада алкалоиднинг N4 азот атоми протонланган. **3-5** да PCA усулидаги “электрон зичликнинг фарқли синтездан” топилган иккита водород атомидан биттаси N1 азот атомида, иккинчиси эса N4 азот атомида эканлиги аниқланган. Ушбу тузларда  $^+NH_2$ -гуруҳи ва метоксикарбонил гуруҳи кислород атоми ўртасида ички молекуляр Н-боғланиш кузатилади. Бундай боғ **1**, **6** (асослар) ва **2** (туз) структураларида кузатилмайди.

Кристалл **3** копсинин дихлорид дигидратдир. Кристалл ячеяка асимметрик қисми протонланган икки катион (N1 ва N4 атомлари), икки  $Cl^-$  анионлари ва икки сув молекуласидан иборат. Кристаллда ҳар бир  $Cl^-$  иони бир вақтда учта водород атоми билан Н-боғ ҳосил қилган. Cl1 иони N1Н-, N4Н-гуруҳи ва биринчи сув молекуласи водород атомлари билан, Cl2 иони эса N1Н-гуруҳининг бошқа водород атоми ва сув молекулалари билан Н-боғ ҳосил қилган.

Бром ионларидан бири протонланган N4 атомининг водороди билан фақат битта Н-боғ ҳосил қилган. Бошқа бром иони  $2_1$  симметрия бўйича  $b$  ўқи бўйлаб айлантрилиб N1Н2-гуруҳи Н атомлари билан молекулалараро Н-боғланиш ҳосил қилади.

Шундай қилиб индолин алкалоидларининг сув молекулалари бўлмаган кўштуз кристалларида молекулалараро Н-боғлар тизими ўхшашдир. N1 ва N4 атоми тетраэдрик гибридланган ҳолати кўш (ёки иккиламчи) тузлар ҳосил бўлишини осонлаштиради, бундай ҳолат индол ва индоленин алкалоидлари учун имкониятсиз.


### Псевдокопсинин ва унинг тузлари

Индолин алкалоидлар қаторига мансуб псевдокопсинин (7) молекуласидаги N1 ва N4 атомлари бўлинмаган электронлар жуфти ҳисобига водород галогенидлар билан туз комплексларини (8-10) ҳосил қилади.

2-Расмда келтирилган асос 7 ва унинг тузларини (8-10) фазовий тузилиши индол ядроси текислиги проекциясида. Асосий олти ҳалқадан ташкил топган полициклик каркасда бешта хирал маркази мавжуд бўлиб 8-10 тузларнинг абсолют конфигурацияси Флэк параметри қийматлари асосида аниқланди: 2*R*, 7*R*, 16*R*, 20*R*. Ушбу туз катионларида N4 атоми протонланган ва *R*-конфигурациясига эга.

8-10 галоид тузларнинг молекуляр структураси (асосий циклларнинг конформацияси ва бирикиши) бир-бирларидан деярли фарқ қилмайди. 8-10 тузларида F гетероцикл твист-ванна конформациясига эга бўлса, асос 8-10 да буралган кресло конформациясига эга. Бундан ташқари, асос 7 даги E гетероцикли N4 $\alpha$ -конверт конформациясига, худди шу цикл 8-10 тузларида 5 $\beta$ -конверт конформациясига эга. Эҳтимол ушбу фарқ 8-10 тузларида N4 атоми протонланиши ва молекулалараро Н-боғларида иштирок этиши билан боғлиқ бўлиши мумкин (2-расмга қаранг).

Асос ва тузларда N1 атоми, тахмин қилганимиздек,  $sp^3$ -гибридланган, валент бурчакларининг йиғиндиси ўртача  $338(2)^0$  га тенг. Демак, N1 атоми осон инверсияланганидан водород атоми индол ядросининг текислигига нисбатан икки ёқлама жойлашиши мумкин. Асос 7 нинг молекуляр структурасида N1 даги Н атоми  $\beta$ -йўналишда жойлашган, бу эса ноодатийдир, чунки ўрганилган 8 ва 9 монотузларда, ҳамда ўхшаш асосларда – копсининда (1) ва копсинилам (6) Н  $\alpha$ -йўналишга эга. Асос 7 да N1 даги Н атомининг бундай  $\beta$ -кўринишда жойлашуви метоксикарбоксил гуруҳи эфир кислороди O2 нинг бўлинмаган электрон жуфти билан ички молекуляр Н-боғни шакллантиради. 8 ва 9 тузларида бу Н атом  $\alpha$ -йўналган бўлиб фақатгина молекулалараро Н-боғларда иштирок этади. Иккиламчи 7 тузида бир вақтнинг ўзида N1Н-гуруҳи ва N4 азот атоми протонланади ва улардаги NH<sub>2</sub>-гуруҳидаги водород атоми метоксикарбоксил гуруҳи кислороднинг эфир атоми билан ички молекуляр Н-боғланишда иштирок этиши аниқланди.



2-расм. 7 - 10 кристаллардаги молекулаларнинг фазовий тузилиши (Н-боғлари оддий чизикчалар билан кўрсатилган)


Копсинин ва псевдокопсинин кўш тузларида NH-гуруҳи водороди билан метоксикарбонил гуруҳининг эфир кислороди ўртасида ички молекуляр Н-боғи ҳосил бўлади, бу эса алкалоидларнинг асос ва моно тузларида кузатилмайди.

Копсинин, псевдокопсининларнинг азот атомлари бўйича олинган ҳосилалари Копсининда –N1H-гурухи ва N4 атоми, псевдокопсининдаги каби фаол реакция марказлар ҳисобланади.

РСА методи билан қуйидаги ҳосилалар тузилиши аниқланди: N4-йодметилат копсинин (**11**), N1-ацетил копсинин (**12**), N1-ацетил-N4-йодметилат копсинин (**13**), N4-йодметилат псевдокопсинин (**14**), N4-йодэтилат псевдокопсинин (**15**) (3-расм).

Олинган **12** ва **13** бирикмаларда N1 атом  $sp^2$ -гибридланган, валент бурчаклари йиғиндиси ўртача  $358.0^\circ$ , бунга азот атоми N1 нинг бўлинмаган эркин электрон жуфти карбонил гурухи  $\pi$ -электронлари билан туташуви сабаб бўлади. Азот N1 атомининг ўринбосарлари бўлмаган **11**, **14** ва **15** бирикмаларида эса  $sp^3$ -гибридизацияланиши кузатилади. Ушбу тўртламчи тузларда Н атомининг  $\alpha$ -йўналишда бўлиши, унинг C16 атомидаги карбоксил гурухининг кислородлари билан ичкимолекуляр Н-боғ ҳосил қилаолмаслигини кўрсатади. Бу ҳолатда **14** ва **15** структураларда Н атомлари галоид иони билан  $\Gamma\dots^+H-N1$  типидagi водород боғлар ҳосил қилишда иштирок этиши аниқланди.

Индолин алкалоидларида N1 азот атомининг тетраэдрик гибридланиши N1-ацетил ҳосилалар олинишини қулайлаштиради, ва аксинча индол ҳамда  $\alpha$ -метилениндолин алкалоидларида ушбу реакциянинг эҳтимоллиги камлиги исботланди.



3-расм. Копсининг ва псевдокопсинин ҳосилаларининг фазовий тузилишлари (**11** структурада иод иони учта тартибсизланган ўринларда кўрсатилган).

Кристалл **11-13** ва **14**, **15** да индол ядроси  $\pm 0.037 \text{ \AA}$  аниқликда ясси, *B* ҳалқа эса  $2\alpha$ -конверт шаклга эга. Копсининнинг **11-13** ҳосилаларида *C* ва *D* олти аъзоли ҳалқалар (бицикло [3.3.1] нонан системасини ҳосил қилади) бузилган ванна (твист) конформациясига эга. Псевдокопсининнинг **14**, **15** ҳосилаларида эса бу ҳалқалар беш аъзоли бўлиб  $19\alpha$ -конверт конформациясига эга. Структураларда конформациянинг сезиларли ўзгариши фақат *E* ва *F* ҳалқаларда кузатилади. **11**, **12** ва **14**, **15** молекулаларда *E* беш аъзоли ҳалқа  $4\alpha$ -конверт шаклини олади, **11** молекулада эса бу ҳалқа  $6\alpha$ -конверт шаклига эга. **11**, **12** молекулаларда *F* олти аъзоли гетероҳалқа кресло конформациясига, **13**, **14**, **15** молекулаларда эса твист-ванна конформациясига эга. Конформацияларнинг бундай ўзгаришларини кристалл таҳлилиш кучсиз молекулалараро таъсирлашишлар

билан боғлаш мумкин, жумладан **12**, **15** молекулаларда *E* ва *F* ҳалқаларининг яқин стереокимёвий тевараги деярли бир хиллигини кўрсатди.

Шундай қилиб копсинин ва псевдокопсининнинг ацил- ва алкил-хосилаларида *E* ва *F* ҳалқалар нисбатан конформацион лабил (беқарор), чунки улар мустаҳкам каркасга учта “нуқта” (C7, C20 ва C21 атомлари) орқали боғланган. C16 атомида жойлашган метоксикарбонил гуруҳи эса полициклик каркасга нисбатан эркин айланади.


*α*-Метилениндолин норфлуорокурарин этанол сольвати

Кристалл **16** асимметрик қисми икки молекуладан ташкил топган бўлиб, алкалоид ва этанол молекулалари 1:1 нисбатда (4-расм). Кристалл **16** да алкалоид молекуласидаги карбонил гуруҳи N1Н томонига қараган. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, **16** молекуласида карбонил гуруҳи ва NH гуруҳи ички молекуляр N1—H...O1=C17 типидagi водород боғи ҳосил қилади. Унинг параметрлари куйидагича: масофалар N1...O1 2.785(4), H...O1 2.31(3) Å, ва бурчак N1—H...O1 115(3)°. Экзометилен гуруҳи C18-C19=C20-C21 фрагменти *транс* ҳолатда. Кристалл тузилишда қатнашаётган этанол (сольват) молекуласидаги гидроксил гуруҳи ва **16** нинг N1 ва N4 атомлари билан молекулалараро Н-боғи ҳосил қилишда иштирок этиши исботланди.

12-Гидроксинорфлуорокурарин ва унинг тузлари

*V. erecta* нинг ақуаммицин типидagi α-метилен қатори асосий алкалоидларидан 12-гидроксинорфлуорокурарин (**17**) РСА билан асос ҳолатида ўрганилди (5-расм). Молекуланинг абсолют конфигурацияси унинг сувда эрувчан тузлари: гидрохлориди (**18**) ва хлор- (**19**), йодметилатлари (**20**) мисолида РСА методи билан аниқланди.


Молекулада ҳалқаларнинг уланиши ва уларнинг конформациялари норфлуорокураринда кузатилганидан фарқ қилмайди. Альдегид фрагментидаги карбонил гуруҳи **17** молекулада N1Н гуруҳи томонга қараган ва ичкимолекуляр Н-боғ ҳосил қилади.



4-Расм. **16**, **17** ва **18** ларнинг фазовий тузилиши

РСА натижасида **17** нинг моно тузи - гидрохлориди (**18**) кристаллида бир молекула сув борлиги, кристаллогидрат (моногидрат) эканлиги аниқланди. Молекуляр катионнинг асимметрик марказлари *3S*, *7R*, *15S* конфигурацияга эга. Катион **18** да ҳалқалар конформацияси ва уларнинг уланиши **16** ва **17** молекулаларининг турли кристалларида кузатилгани кабидир.

Структура **18** да карбонил гуруҳининг N1Н гуруҳига яқинлашиши кузатилиб, ички молекуляр N1-H...O2 Н-боғи ҳосил бўлишига қулайлик туғдиради. Кристалл **17** нинг тўртламчи тузлари **18** ва **19** ларнинг РСА натижасида олинган фазовий тузилишлари ўрганилди (5-расм).



5-Расм. 19, 20 ва 21 ларнинг тузилиши.


Кристалл 17 нинг тўртламчи асоси 21- бирикма, йодметилат (20) га ишқор (KOH) таъсир эттириб олинади. Тўртламчи асос 21 структурасининг таҳлили шуни кўрсатадики, ишқор молекуласи C12 атомдаги гидроксил гуруҳидан водородини тортиб олади, ва натижада алкалоид молекуласи цвиттер-ион шаклига ўтади.

Кристалл 24 нинг канал бўшлиғида бетартиб жойлашган сув молекулалари ( $2.5\text{H}_2\text{O}$ ) гидрофоб девори билан деярли таъсирлашмаслиги унинг сутка ичида бузилиб кетишига сабабчидир.

#### 12-Метоксинорфлуорокурарин ва унинг тузлари

V. *erecta*  $\alpha$ -метилениндолин қатори алкалоиди - 12-метоксинорфлуорокурарин алкалоиди ва унинг азот (N4) атомини алкиллаш натижасида олинган моддалар тузилиши ўрганилди. РСА усули билан 12-метоксинорфлуорокурариннинг  $\text{CH}_3\text{Cl}$  (22),  $\text{CH}_3\text{I}$  (23) билан ҳосил қилган сувда эрувчан тўртламчи тузлари, шунингдек унинг (23 ни NaOH билан ишлов бериб олинган) тўртламчи асосининг (24) кристалл тузилиши аниқланди (6-расм).

Кристалл 22 да молекуляр катион хирал марказларининг абсолют конфигурациялари қуйидагича: 3*S*, 7*R*, 15*S*. Алкалоиднинг N4 азот атоми метилланиши туфайли бу атом ҳам 4*S* конфигурацияли хирал марказга айланади. Алкалоид молекуласида ҳалқалар конформациялари 16 да амалга оширилганларидан фарқ қилмайди: индол ядроси ясси, C ҳалқа бузилган ванна, D-ҳалқа идеал ванна, беш аъзоли E ҳалқа конверт конформацияларига эга. Амино-алдегид фрагментида валент боғлар узунлигининг қабул қилинган қийматлардан фарқ қилиши N1 азот атоми бўлинмаган эркин электронларининг қўшбоғлар (C2=C16 ва C=O)  $\pi$ -электронлари билан туташув ҳосил қилишини кўрсатади. Бирикма 22 норфлуорокурарини ва унинг оддий тузларидан фарқли равишда ичкимолекуляр Н-боғланиш кузатишмайди. Карбонил гуруҳининг бундай ориентацияси норфлуорокурариннинг тўртламчи тузлари хлор- ва йодметилатларида ҳам кузатишган бўлиб, бунда N4 атоми метил гуруҳи билан тўсилиб, фақат NH ва C=O гуруҳлари молекулалараро боғланишларда иштирок этади.



6-Расм. 22 – 24 ларнинг фазовий тузилиши

Кристалл **22** хлор аниони N1H-гурухи ва сув молекуласининг водород атоми билан яқинлашади, бу эса ўз навбатида донор гуруҳларининг стерик итарилишига ва карбонил гуруҳини тескари - ёйилган ориентацияланишига мажбур қилади.

Кейинги тўртламчи туз **23** кристаллида халқалар конформацияси, уланиши, карбонил гуруҳининг ориентацияси ва абсолют конфигурация бирикма **22** молекуласида кузатилган структурадан фарқ қилмайди. Кристаллда ягона молекулалараро Н-боғланиш N1H-гурухи водород атоми ва йод аниони ўртасида кузатилади.

Тўртламчи асос **24** бирикма **20** га ишқор билан ишлов берилганида ҳосил бўлади. Ушбу тўртламчи асоснинг кристалл тузилиши таҳлилидан маълум бўлдики, молекулага ишқор таъсири натижасида N1H гуруҳидан протон тортиб олинади ва алкалоид молекуласи цвиттер ионга айланади. Бироқ индол ядроси ва атрофидаги валент боғлари геометриясининг таҳлили шуни кўрсатадики, **24** кристалли молекуласида N1-C2 оддий боғ қисқариб (1.327(7) Å) қўшбоғ ҳолатига яқинлашган, ҳар хил тип валент боғларининг узунликлари C2=C16 (1.403(8) Å) ва C16-C17 (1.399(9) Å) деярли бир хил ва C17=O қўшбоғи (1.256(7) Å) узайган.

Шундай қилиб, норфлуорокурарин ва унинг 12-гидрокси ва 12-метокси ҳосилаларининг тўртламчи асоси ҳар хил цвиттер ион формаларини қабул қилади. Норфлуорокурарин ва 12-метоксинорфлуорокурариннинг тўртламчи асосида “шартли” енол форма кузатилади. Уларда N4 фаол марказ метил гуруҳи билан тўсилиб, карбонил ва N1H гуруҳлар ўзаро ёйилган ҳолатда бўлади ва ичкимолекуляр Н-боғи кузатилмайди.

*Аспидосперма типидagi α-метилениндолин алкалоидлари кристалл тузилиши*

Ўрганилган α-метилениндолин алкалоиди (±)-винкадифформин (**25**) рацемат ҳолда *V. minor* дан ажратиб олинган бўлиб, рацематнинг энантиомери (-)-винкадифформин ва унинг 5-оксо аналоглари эрвинидинин (**27**) ва эрвинцинин (**28**) *V. erecta* дан ажратилган.


Агар эътибор берсак, CCDC маълумотларига кўра асос ҳолидаги (-)-винкадифформинда  $sp^3$ -гибридланган N4 атомининг бўлинмаган эркин электрон жуфти β-томонга йўналган, яъни азот атоми N4 шартли S конфигурацияда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, винкадифформиннинг туз ҳосил қилиш жараёнида тетраэдрик тузилишли N4 азот атоми стереокимёвий ўзгаришлари аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳолбуки, N4 азот атомининг β-йўналишда туз ҳосил қилиши (протонланиши ёки метилланиши) стерик жиҳатдан мушкул. Юқорида келтирилган структуралардаги N4 инверсиясига боғлиқ саволларга чуқурроқ қараш мақсадида рацемат (±)-винкадифформин (**25**) ва (-)-винкадифформинни N4 атоми метиллаб олинган метил йодиднинг (**26**) тузилиши РСА усули билан аниқланди.

Шунингдек, ўсимликдан ажратилган ва оддий шароитда туз ҳосил қилмайдиган эрвинидинин (**27**) ва эрвинцинин (**28**) алкалоидлари ўрганилди.



тузида кузатилганлари билан мос тушади. Аммо, **25** нинг 3-оксо ҳосиласида сезиларли ўзгаришлар кузатилади, яъни N4 атом текис конфигурацияда *D* ҳалқа конформацияси 5 $\alpha$ -конверт ва *E* ҳалқа эса ярим кресло конформациясига эга эканлиги аниқланди (8-расм).




8-Расм. Алкалоидлар **27** ва **28** нинг фазовий тузилиши

Шундай қилиб (-)-винкадифформин асос ҳолатдан туз ҳолатига ўтишида азот атоми N4-да инверсия ҳодисаси ва полициклик каркасдаги *D* ва *E* ҳалқаларда кичик конформацион ўзгаришлар юз беради. 5-Оксо ҳосилалар эрвинидин ва эрвинцининларда азот N1 ва N4 ларнинг бўлинмаган эркин электрон жуфтлари кўшни кўшбоғ ва кетоннинг  $\pi$ -электронлари билан туташувда бўлиши аниқланди.

*2-Оксиндолин қатори алкалоидлари: майдин, изомайдин ва винерин*

2-Оксиндолин алкалоидлари одатда спироизомерлар кўринишида катнашадилар. Кимёвий формулалардан кўриниб турибдики, **29**, **30** да C11 ва C12 углерод атомларида иккита метоксил гуруҳи, **31** фақат C11 углерод атомида метоксил гуруҳи сақлайди ва улар полициклик каркас стереокимёсига деярли таъсир ўтказмайди (9-расм). РСА маълумотлари **29**, **30** ва **31** алкалоидлар ўзаро диастереоизомерлар бўлиб, беш асимметрик марказлар ва спиромарказнинг конфигурацияларида фарқ қилишини тасдиқланди.

Ушбу **29** (ячейканинг асимметрик қисмида икки майдин молекуласи бор), **30** ва **31** молекулаларда бешта ҳалқа бўлиб, ҳамма молекулаларда 2-Оксиндолин ядроси ясси конформацияга эга. **29** кристаллда (иккала мустақил молекулада) *C* ҳалқа 4 $\alpha$ -конверт **30**, **31** ларда твист конформациясини қабул қилади. Кристалл **30**, **31** да *D* ҳалқа деярли бир хил кресло, *E* ҳалқа **29**, **30** да буралган 20 $\alpha$ -софа, **31** да 20 $\beta$ -софа конформацияларини қабул қилади. 2-Оксиндолин ядросини уч ҳалқага нисбатан йўналишини характерловчи (C8-C7-C6-C5 атомлар) торсион бурчаги майдин (**29**) учун  $-109.6^\circ$  ва  $-119.6^\circ$  ва изомайдин (**30**) учун  $113.5^\circ$ , ҳамда винерин (**31**) учун  $-109.9^\circ$  га тенг. Ўз навбатида молекулалар индолин ядросига конденсирланган учта гетероҳалқа *C/D/E* мос равишда транс- ва цис ҳолатда бирикканлигини кўрсатди (12-расм).



9-расм. Кристалл структура **29-31** ларнинг фазовий тузилиши

2-Оксиндолин ядроси гетероцикллар *C*, *D* ва *E* га спиромарказ *C7* орқали боғланади. Спиромарказ *C7* майдин, изомайдин ва винеринларда мос равишда *R*-, *S*-, *R*-конфигурацияларни қабул қилади. Азот атоми *N4* нинг бўлинмаган электронлар жуфти инверсияси натижасида винеринда шартли *S*-ва майдин, изомайдинда шартли *R*-конфигурацияларни қабул қилади.

Диссертациянинг «**Индол алкалоидлар экстракцияси, монокристалларини ўстириш, дифракция маълумотларини олиш ва таҳлили**» деб номланган **учинчи бобида** индол алкалоидларни ўсимликдан экстракция усулида ажратиб олиниши, олинган алкалоидларни модификацияси, монокристалларнинг олиниши, рентген дифракцион усулда монокристаллар дифракцияси, компьютер дастурларида структураларни таҳлил қилиш усуллари келтирилган.

### ХУЛОСАЛАР

1. 31 та модданинг кристалл тузилиши илк бор ўрганилиб, сингониялари клиник, моноклиник, тригонал, орторомбик, гексагонал эканлиги аниқланди, тузилишига оид маълумотлар CCDC базасига депозит (регистрация) қилинди.
2. Ўсимликдан ажратилган индол алкалоидлари ҳамда уларнинг азот атоми ҳисобига олинган ҳосилаларининг монокристалларини олиш шароитлари илк бор ўрганилди.
3. Индолин қаторида *N1* ва *N4* атомлари тетраэдрик гибридланган бўлиб, бу кўш тузлар ҳосил бўлишини ва турли алкил галогенидлар билан кватернизацияланишини осонлаштиради.  $\alpha$ -Метилениндолин, индол, индоленин, 2-оксиндолин қатори алкалоидларида эса бу ҳолат кузатилмаслиги аниқланди.
4. 12-гидрокси-, 12-метоксинорфлуорокурарин *N4*-метилат асослари кристаллда цвиттер ион шаклда бўлиши, 12-гидроксинофлуорокурарин *N4*-метилат асоси димер молекулаларнинг олтинчи тартибли айланма симметрия ўқи  $b_5$  бўйлаб таҳланиши натижасида кристаллда ячейканинг  $c$  ўқи бўйлаб канал типигаги бўшлиқ ҳосил қилиши кўрсатилди.
5. ( $\pm$ )-Винкадифформин ва (-)-винкадифформин йод метилати молекуляр тузилиши *N4*-атоми инверсияси ҳисобига фарқланиши ҳамда алкалоид асосидан ҳосиласига ўтганида азот атоми бириккан гетероҳалқалар конформацияси ўзгариши асослаб берилди.
6. Оксиндол ядросига конденсирланган учта гетероҳалқа *C/D/E* мос равишда транс- ва цис ҳолатда бирикканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 ПРИ  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**АДИЗОВ ШАХОБИДДИН МУХАММАДОВИЧ**

**КРИСТАЛЛИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА ИНДОЛЬНЫХ АЛКАЛОИДОВ  
*VINCA ERECTA* И ИХ ПРОИЗВОДНЫХ**

**02.00.04–Физическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.2.PhD/К35.

Докторская диссертация выполнена в Институт химии растительных веществ АН РУз.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу Научного совета ik-kimyo.nuu.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

**Научный руководитель:** Ташходжаев Баходирходжа  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Кадирова Шахноза Абдухалиловна  
доктор химических наук, профессор

Ашуров Жамшид Менгнорович  
доктор химических наук

**Ведущая организация:** Институт общей и неорганической химии

Защита диссертации состоится «12» Июня 2020 г. в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (998 71) 246-07-88; (998 71) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 18). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-07-88, 277-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24.)


Автореферат диссертации разослан «05» Июня 2020 г.

(реестр протокол рассылки № 1 от «05» Июня 2020 г).



  
**Х.Т. Шарипов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., профессор

  
**Д.А. Гафурова**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.х.н.

  
**М.Г. Мухамедиев**  
Председателя научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Данные о структуре молекулы, т.е. знание пространственного расположения функциональных групп, смещения электронов, характеристик внутри- и межмолекулярных взаимодействий является одним из основных факторов в прогнозировании свойств любого вещества и поиске путей синтеза новых продуктов. Поэтому, изучение структуры веществ методом рентгеноструктурного анализа сквозь сформированные ими кристаллы, а также, проведение конфирмационного анализа, анализ изменений молекулярной геометрии при переходе от одного продукта к другому имеет особое значение.

В настоящее время исследователями получены монокристаллы некоторых вирусов, представляющих угрозу для всего мира, и были определены их строение современными дифрактометрами РСА. Это помогает ученым в области фармакологии и медицины разрабатывать новые лекарственные средства против этих вирусов. Мировое сообщество признало науку рентгеновской кристаллографии одним из величайших инновационных достижений XX века и охарактеризовало рентгеновскую кристаллографию как “наука, раскрывающая неосуществимое”. Данные о строении молекулы, установленные методом РСА (CIF-файл на CSD), широко используются в современных молекулярных докинг расчетах.

*Vinca erecta* (сем. *Aporocynaceae*) растущих в условиях Узбекистана считается богатым на индольные алкалоиды, которые широко применяются в медицине как средство против рака, малярии и аритмии сердца. В Республике осуществляются широкомасштабные мероприятия, уделяя особое внимание развитию научно-исследовательских работ в области создания лекарственных препаратов из местного сырья и обеспечению фармацевтического рынка качественными препаратами и в результате достигнуты существенные результаты по производству конкурентоспособных препаратов на основе растительного сырья и органического синтеза. В стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup>, намечены задачи по «Совершенствованию промышленности на качественно новый уровень, дальнейшей интенсификации производства готовой продукции на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий».

Данное диссертационное исследование в определенной степени направлено на выполнения задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан: № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», № УП-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019–2021 годах», №УП-5953 от 2 марта 2020 года «Год развития науки, просвещения и цифровой экономики».

